

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ҚИШЛОҚ  
ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ  
МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ  
«ИҚТИСОДИЁТ» КАФЕДРАСИ**

**3-Мавзу: «Иқтисодиётни таркибий ўзгаришлар  
шароитида табиатдан унумли фойдаланиш  
тадбирларига маблағлар ажратиш. Давлат  
экологик экспертизаси»**



# РЕЖА:

1

- Табиатдан фойдаланишни бошқаришнинг асосий инструментлари.

2

- Табиатдан унумли фойдаланиш тадбирларига маблағлар ажратиш

3

- Давлат экологик экспертизаси



## *Экологик мониторинг.*

Экологик мониторинг атроф табиий муҳит ва унинг ресурслари ҳолатини маълум дастур асосида мунтазам кузатиш, баҳолаш, башоратлашнинг маълум тизими бўлиб экологик – иқтисодий бошқаришни ахбаротлар билан таъминлашга хизмат қилади.

**Ўзбекистон Республикасидаги миллий мониторинг тизими уч турни ўз ичига олади:**

санитария – гигиена мониторинги

ЭКОЛОГИК МОНИТОРИНГ

ИҚЛИМ МОНИТОРИНГИ

## *Уларнинг функциялари қўйидагилар:*



❑ Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси таҳлилий назорат давлат инспекцияси ҳозирги вақтда республикамизнинг ҳаво муҳити, тупроқ ва очиқ сув ҳавзалари ягона мониторинг тизимини барпо этиш ишларини амалга ошираётир. Унинг асосий фаолияти ифлослантириш манбалари мониторинг дастурини амалга оширишга йўналтирилган.

❑ Мониторинг тизимини янада такомиллаштириш учун мунтазам кузатувларнинг технологик даражасини такомиллаштириш ва мониторинг тармоғини кенгайтириш лозим.

**Экологик стандартлар ва нормативлар.** Ҳар бир мамлакатда бўлгани каби атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг стандартлари ва норматив ҳуқуқий тизими Ўзбекистонда ҳам яратилгандир. Мазкур стандарт ва нормативлар атроф муҳит сифатига қўйилган чеклашлар ва талабларнинг ўзаро боғлиқ комплекси, шунингдек ишлаб чиқариладиган маҳсулот ва хизматларнинг ишлаб чиқариш технологик ва ташкилий бошқарув жараёнларига талаблар бўлиб, улар воситасида аҳоли ва ишлаб чиқаришнинг экологик хавфсизлиги кафолатланади. Генетик фондни сақлаш, иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларни такрор ишлаб чиқаришни таъминлаш ҳам унинг асосий вазифаларидан ҳисобланади.



## Ўзбекистонда қабул қилинган стандарт ва нормативларга қуйидагилар киради:

ифлослантиришнинг турғун ва ҳаракатдаги манбалари чиқарадиган ифлослантирувчи моддаларига норматив ва лимитлар;

заҳарли чиқиндиларнинг шаклланиши ва жойлашиш нормативи;

сув олиш ва ўрмондан фойдаланиш лимитлари;

биоресурслардан фойдаланишга квоталар;

муҳофаза қилинадиган ҳудудлардан фойдаланиш ва  
бориб кўриш нормативлари;

ёввойи ўсимликни йиғиш ва ҳайвонларни овлаш  
нормативлари ;

алоҳида ҳудудларда ифлослантирувчи ҳамда  
заҳарли моддалардан фойдаланишни тақиқлаш  
нормалари

# Экологик нормативлар икки гуруҳга бўлинади:

- ❖ санитария-гигиена;
- ❖ ишлаб чиқариш-хўжалик;

□ **Санитария-гигиена** нормативлари инсон саломатлигига мувофиқ келувчи атроф муҳит кўрсаткичларини белгилайди. У аҳолини санитария-эпидимология масалаларида хотиржамликлигини таъминлаш асосининг таркибий қисмига киради. Бунда заҳарли моддалар, радиактив моддалар, ҳамда шовқиннинг йўл қўйиш мумкин бўлган нормаларини белгилайди.


□ **Ишлаб чиқариш-хўжалик** нормативлари зарарли таъсир манбаларининг зарарли моддалар ни чиқариб юбориш ва ташлаш нормативлари бўлиб, улар фаолиятининг маълум бошланғич ҳолатини чеклайди.



## Табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини стандартлашнинг учта асосий йўналиши бор:

1. Атроф-муҳитга юқори таъсир экологик нормативларини белгилаш. Атроф-муҳитга таъсир нормативлари таъсир манбаларидан атроф муҳитга моддалар ёки энергиянинг йўл қўйиши мумкин бўлган шаклдаги миқдорда тушишини белгилайди; ҳудудий-мамурий бирликлар доирасида турли хужалик ва бошқа объектларнинг атроф муҳитга умумий таъсири миқдори (атроф-муҳитга таъсирнинг ҳудудий нормативлари).
2. Экологик-ташкилий стандартларни белгилаш. Бу атроф-муҳитни муҳофаза қилишни ташкил этишга қўйиладиган асосий талабларни ифода итади.
3. Экология атамаларини стандартлаштириш У ёрдамчи аҳамиятга эга бўлиб, атамаларни талқинини ўрнатишга имкон беради, ҳамда янги стандартларни ишлаб чиқиш ва мавжутларидан самарали фойдаланишга имкон беради.

Табиатни муҳофазаси ва табиий ресурслардан самарали фойдаланиш соҳасидаги стандартлаштириш ва метрологияси билан Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитасини *“Давлат ихтисослашган таҳлил назорати инспекция”*си шуғулланади. Табиатни муҳофаза қилиш Давлат ихтисослашган таҳлил назорати инспекцияси томонидан қўйидаги экологик стандартлар қўлланилмоқда:

- атмосфера ҳавосининг сифати;
  - иш жойларида ҳаво сифати;
  - ер усти сувлари сифати;
  - тупроқ сифати;
  - ер ости сувлари сифати;
  - озиқ овқат маҳсулотлари сифати;
  - атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар чиқариш нормативлари;
  - оқар сув манбаларига ифлослантирувчи моддаларни ташлаш нормативлари;
  - чиқиндиларни шаклланиши нормалари;
- 

Табиатдан фойдаланишни *лицензиялаш*-маъмурий-хукукий- йўл билан экологик – иқтисодий муносабатларни тасдиқлаш, рухсат бериш, ваколат бериш каби методлар орқали тартибга солишнинг номоён бўлишидир. Табиатдан фойдаланишни лицензиялашнинг моҳияти қўйидагича:



табiiй ресурс эгасининг ёки унинг  
мулкдори акти;

табiiй ресурслардан фойдаланиш устидан  
давлат назаратини амалга ошириш шакли;

табиатдан оқилона фойдаланишни  
тартибга солиш воситаси;

# Экологик сертификатлаш. Экологик сертификатлаш қуйидаги мақсадларда амалга оширилади:

маҳсулотнинг атроф-муҳит, ҳаёт, саломатлик, мулк учун хавфсизлигини назорат қилиш;

тайёрловчи (ишлаб чиқарувчи)нинг маҳсулот сифати кўрсаткичлари бўйича баёотининг тасдиқланиши;

истеъмолчини тайёрловчи, сотувчи, ижрочининг инсофсизлигидан ҳимоя қилиш;

истеъмолчига маҳсулотни компетентли танлашга ёрдам бериш;

Ўзбекистоннинг ягона товар бозорида ва ундан ташқарида корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, тадбиркорлар фаолияти учун шароит яратиш.

Мамлакатимизда *экологик сертификат* бўйича объектлар аниқланган, норматив – техник ҳужжатлар пакети ишлаб чиқилган.

Бунда қуйидаги тадбир ва ҳаракатлар амалга оширилаётир:

- ❑ экологик хавфсиз технологик жараёнлар ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- ❑ экологик хавфсиз маҳсулотларни ишглаб чиқаришни ташкил этиш;
- ❑ норматив-ҳуқуқий ва иқтисодий механизмларни яратиш, фуқароларни қулай атроф-муҳит ва маҳсулотларга эга бўлиш, саломатлиги ва мулкига зиён етказувчи ахборотларни тўплаш ҳамда экологик зиён етказувчиларга йўл бермаслик;
- ❑ мамлакатимизга хавфли маҳсулотлар кириб келиши, ишлаб чиқарилиши ҳамда ҳудудимиздан олиб ўтилишини бартараф этиш;
- ❑ табиат муҳофазасига мўлжалланган ишлар ва хизматлар бозорини тартибга солиш;
- ❑ атроф-муҳит сифатин яхшилаш;
- ❑ ресурсларни тежаш ва атроф муҳитга йўл қўйиб бўлмайдиган таъсирдан огоҳлантириш (Национальный доклад 2002)

**Экологик экспертиза.** Ўзбекистон Республикасида экологик экспертиза тўғрисидаги қонун 2000 йил қабул қилинган. Бу қонуннинг моҳияти режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик ва бошқа фаолиятларни экологик талабларга мувофиқлигини аниқлашдан иборат. Давлат экологик экспертизасининг объектларига қуйидагилар киради:

1

- давлат дастурларининг концепцияларининг, ишлаб чиқариш кучларининг ижтимоий ва иқтисодий соҳа тармоқларини жойлаштириш ҳамда ривожлантириш схемаларининг лойиҳалари;

2

- барча турдаги қурилишлар учун ер участкаларини ажратиш материаллари;

3

- лойиҳа олип ва лойиҳа ҳужжатлари;

4

- табиий ресурслар билан фойдаланиш билан боғлиқ хўжалик ва бошқа хил фаолиятни тартибга солувчи норматив техник ва йўриқнома услубий ҳужжатларининг лойиҳалари;

5

- техника, технология, маҳсулотлар, моддаларнинг янги турларини тайёрлашга доир ҳужжатлар;

6

- атроф табиий муҳит ҳолатига ва фуқаролар соғлигига салбий таъсир кўрсатувчи ишлаб турган корхоналар ва бошқа объектлар;

7

- кейинчалик уларга муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, фавқулодда экологик офат зоналари мақомини бериш мақсадида ўтказилган ҳудудларни комплекс текшириш материаллари;

8

- шаҳарсозлик ҳужжатларининг барча турлари;

9

- махсус ҳуқуқий режимли объектлар

# Экологик экспертизанинг мақсади қўйидагилар:

лойиха қарорларини уларни амалга оширишдан олдин экологик таълабларга мувофиқлигини илмий асосда аниқлаш

режалаштирилаётган, лойихалаштирилаётган ва ишлаб турган объекларнинг табиатга эҳтимол тутилаётган салбий таъсири ва экологик хавфлилик даражасини аниқлаш

халқ хужалигини режалаштиришида табиий тизимлар мувозанатини сақлаб қолиш





❑ **Экологик аудит.** Экологик аудит корхона, компаниянинг ички экологик салоҳиятини, уларнинг хавф-хатарлари ва имкониятларини доимий текшириб туриш инструментиدير.

❑ Экологик аудит – корхоналарнинг мол-мулкни бериш ва жорий операциялар билан боғлиқ бўлган экологик муаммолари ва потенциал мажбуриятларини аниқлаш мақсадида атроф-муҳит ҳолатини объектив, мунтазам, ҳужжатлаштирилган ва доимий такрорий текширишлар(тафтишлар) бўлиб, улар иқтисодий фаолиятнинг тури ва шароитлари, маъмурий бошқарув тизимлари ёки бу объектлар тўғрисидаги ахборотларнинг норматив-қонунчилик талабларига, атроф-муҳит муҳофазаси соҳасидаги самарадорлик мезонларига ва экологик хавфсизликка мос келишини аниқлаш мақсадида ўтказилади. Экоаудит ўтган асрни 70 йилларида АҚШда, 1980 йилдан бошлаб эса, Европа мамлакатларида ҳам ишлаб чиқарувчи корхоналарни “Экоаудит” қонунчилиги асосида текширишлардан ўтказмоқда.



# Экологик аудитни асосий мақсади:

1

- Корхона ва ташкилотларни фаолиятини экологик нормативларга мос келишини аниқлаш.

2

- Корхона ва ташкилотларни табиатни муҳофаза қилиш тадбирларига фойдали тадбирлар ишлаб чиқиш.

## Экологик аудитнинг асосий объектларига қуйидагилар киради:

- мулклар (ер участкалари, табиий офатлар, бинолар, иншоотлар, машина ва жиҳозлар ва ҳ.к.);
- корхона ва ташкилотнинг жорий фаолияти;
- фавқулотда вазиятларда корханаларнинг бошқарув тизими;
- атроф муҳитни муҳофаза қилиш дастурлари ва ходимларнинг ҳавфзислигини таъминлаш ва бошқалар.

# Халқаро стандартларга мувофиқ экоаудит қўйидаги принципларга асосланади:

Мақсад ва иш ҳажмини аниқ белгилаш.

Объективлик, мустақиллик, ва компенентлик.

керакли каспий ихтиёткорлилик.

Тизимлилик.

Аудит мезонларини белгилаш

Аудитор натижаларини ва хулосаларини ишончлилиги.

Аудиторнинг келишлган мақсади ва ҳажмини ҳисобга олиб аудитор хулосаларини тўлиқлиги.

Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги» қонунига мувофиқ табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари ва экологик дастурларни молиялаштириш қуйидаги манбаларга асосан амалга оширилиши таъкидланган:

бюджет маблағлари;

корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар маблағлари;

бюджетдан ташқари ресурслар ва ҳудудлар бўйича экологик фондлар.

экологик суғурта фондлари;

аҳоли маблағлари

# Экологик фондларнинг вазифалари қилиб қуйидагилар белгиланган:

- ❑ Атроф табиий муҳит сифатини яхшилаш ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган дастурлар ва илмий техник лойиҳаларни молиялаштириш ва кредитлаш;
- ❑ Табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари ва дастурлари учун молиявий ресурсларни жалб қилиш;
- ❑ Табиатдан оқилона фойдаланиш ва экологик соф технологияларни жалб этишни иқтисодий рағбатлантириш;
- ❑ Экологик таълим ва тарбиянинг ривожланишига кўмаклашиш.



**Экологик фондлар тизими.** Республика табиатни муҳофаза қилиш: фондининг маблағларининг **25%** ҳам шу маҳаллий фондларнинг маблағлари ҳисобига шаклланади. Республика табиатни муҳофаза қилиш фонди маблағларининг бир қисми иккита илмий-тадқиқот дастурлари ишлаб чиқишга, табиатни муҳофаза қилишга ва бошқа ташкилий тадбирларга йўналтирилди. Илмий-техник дастурлар бўйича **32 та мавзу** молиялаштирилди. Албатта бу тадбирларнинг барчасида табиатни муҳофаза қилиш фондларининг салмоғи ва ўрни жуда каттадир. Демак, экологик фондларнинг маблағлари қайси мақсадларда ишлатилишига қарамасдан ягона мақсадни инсонларни тоза табиий муҳитда яшашдек ҳуқуқини таъминлашни кўзда тутди.



# Экологик фондлар маблағларини ишлатишнинг асосий йўналишлари қуйидагилар:

Корхоналарга қайтарилиш шарти билан имтиёзли кредитлар ва ссудалар ажратиш;

Табиатни муҳофаза қилишга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг устав фондларини шакллантириш учун маблағ ажратиш;

Корхоналарнинг қўшимча инвестицион ресурслари жалб этишни рағбатлантирувчи лойиҳаларни молиялаштиришда пайчилик асосида иштирок этиш;

Табиатни муҳофаза қилиш лойиҳаларини амалга оширувчи корхоналарга тижорат банклари томонидан ссуда ва кредитлар беришни кафолатлаш.

## Давлат экология экспертизасининг объектлари: Давлат экология экспертизасига:

- Давлат дастурлари, концепцияларининг, ишлаб чиқариш кучларини, халқ хўжалиги тармоқларини жойлаштириш ва ривожлантиришнинг асосий тизимларининг лойиҳалари;
- қурилишнинг барча турлари учун материаллар танлаш, режа олди, лойиҳа олди ва лойиҳа ҳужжатлари;
- хўжалик фаолиятини ва уларни табиий ресурслардан фойдаланиш меъёрларини белгилаб берувчи йўриқнома усул ва меъёрий техник ҳужжатларнинг лойиҳалари;
- янги техника, технология, материаллар ва моддалар яратиш ва хориждан сотиб олиш бўйича лойиҳа ҳужжатлари, маҳсулотларга стандартлар;
- Ўзбекистон Республикасига келтирилаётган ва ундан олиб чиқиб кетилаётган маҳсулотлар;
- химиявий моддалар;
- алоҳида минтақалар, ҳудудлар ва объектларнинг экологик вазияти;
- атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатаётган корхоналар ва бошқа объектлар қўйилади.



Эътиборингиз учун  
рахмат!

